Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ★ 12 март 1969 йил, чоршанба ★ № 60 (14.223). Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

●

БУХОРО ДАЛАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ АҲДИ

●

КОРХОНА ҚУРИЛИШГА ЕРДАМ БЕРМОҚДА

1,500,000 тонна дон учун

ДОН — БОЙЛИГИМИЗ

Бу йил дон экинлари учун вужудга келган қулай об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, 1,5 миллион тонна дон етиштириш ва давлатга 40 миллион пуд дон сотиш юзасидан олинган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми маъқуллаган мажбуриятларни бажарибгина қолмай, балки ошириб бажаришга эришиш зарур.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республикадаги ғаллакор районларнинг 1969 йилда дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятлари тўғрисида»ги қароридан).

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ...

Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитетининг сўнгги пленумлари қарорларини турмушга татбиқ эта бориб, ғаллачиликни ривожлантириш ҳамда ундан юқори ҳосил олиш борасида ғалайғина агротехника тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Бу соҳада 1968 йилда эришган ютуқларимиз айниқса салмоқли бўлди. Ўтган йили лалмикор ерларнинг ҳар гектаридан 8,21 центнердан, беда билан дон аралаштириб экилган суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 12,5 центнердан, уруғ соф ҳолда экилган суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 23,6 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик. Суғориладиган ва лалми майдонларимизни бирга қўшиб ҳисоблаганда ўтган йили 48750 гектар ерга экилган дон уруғининг ҳар гектаридан 8,43 центнердан ҳосил етиштирилди.

1968 хўжалик йилида ғалладан юқори ҳосил олиш учун биз 35 минг гектар майдонни кузда чуқур шудгорлаб, сўнгра дон эккан эдик. 37 минг гектар майдон эса эрта баҳорда борона қилинди. Шудгорлаш олдидан 462 гектар ғалла майдонига суперфосфат солиниб, ер яхшилаб тўйдирилди. Эрта баҳорда эса яна 3 минг гектар дон майдонига минерал ўғит солинди. 2500 гектардаги ғалла ўсимлиги самолётлар воситасида озиқлантирилди.

Ғаллачилик районимизда етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Бултур эришган муваффақиятларимиз бунинг исботидир. Ўтган йили районимиз хўжаликлари фақат ғаллачиликнинг ўзидан пландаги 913 минг сўм ўрнига 2 миллион 617 минг сўм даромад олдилар. Давлатга пландан ташқари сотилган дон учун 441 минг сўм қўшимча даромад олишга муваффақ бўлдик. Шундай қилиб, бригина ғаллачиликдан 1 миллион 65 минг сўм соф фойда кўрилди. Ғаллачиликда ишлаётган кишиларнинг ўртача ойлик иш ҳаки бир мунча кўпайди. Доннинг таннархи арзонлашди.

Пастдарғомлик «олтин бошоқ» ижодкорлари 1969 хўжалик йилида ҳам ғалладан мўл-кўл ҳосил олиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш соҳасида бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар. Ғаллачилик агрономлари, уста ғаллакорлар ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган бу тадбирлар об-ҳаво ниҳоятда ноқулай бўлган, ёнингарчилик айни кунларда ҳам давом этаётган бир пайтда жуда қўл келаётир. Барча ғаллакорлар шу тадбирларни кенг қўлланиб иш тутмоқдалар.

Бу йилги режаларимиз анча катта. **44399 гектар лалмикорликдаги майдонларнинг ҳар гектаридан 8,46 центнердан, беда билан аралаштириб дон экилган суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 20 центнердан, уруғ соф ҳолда экилган майдонда гектаридан 40 центнердан, жами 45648 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 10 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганмиз.** Шунингдек, районимиз хўжаликлари бу йил 172 гектар майдонга шоли экиб гектаридан 30 центнердан, 115 гектар майдонга маккажўхори экиб, гектаридан 30 центнердан, 735 гектар дуккакли экинларнинг ҳар гектаридан 4 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар.

Деҳқонларимиз бу шарафли вазифани ҳал этиш учун қимматли кураш олиб бормоқдалар. Бироқ шуни айтиш керакки, бу йил об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши, қалин қор, қаттиқ совуқ, изғирин-бўронлар бўлиши оқибатида кузда экилган 41546 гектар доннинг 25346 гектарини қайта бузиб экиш, 5 минг гектардаги дон майдонининг эса хатосига экиш кўзда тутилмоқда. Чунки сира кутилмаган қаттиқ совуқ кузги дон экинларига жиддий зарар етказибгина қолмай, баҳорги дон экиш мавсумининг ҳам кечиктириб юборилишига сабаб бўлмоқда. Ўтган йили районимизда баҳорги дон экиш асосан 5 мартгача тугалланган эди. Бу йил эса орқага сурилмоқда.

Жуда катта қийинчиликларга қарамай, районимиз меҳнаткашлари ғалладан мўл-кўл ҳосил етиштириш йўлида жасорат кўрсатиб ишламоқдалар. Бунинг учун агротехника тадбирлари оғишмай амалга оширилади. Шу тадбирларга кўра, қайта бузиб экиш тез ўтказилади, кузда экилган ғалла майдонларидан 3521 гектари кўкламда яхшилаб озиқлантирилади. 8200 гектар майдон эса борона қилиниб, ернинг структураси яхшиланади. 3 минг гектар лалми ғалла майдонларини сел суви билан суғорамиз, сувли ерлардаги 1249 гектар ғалла майдонларини икки марта суғоришни планлаштириб қўйдик.

Айни вақтда маккажўхори ва шолидан юқори ҳосил олиш учун нимани зарур бўлса, барчаси бажо келтирилади. Шундай қилиб, **бу йил давлатга камида 20000 тонна дон сотамиз.**

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
Пастдарғом район юқориги комитетининг ранси.

ТЎРТ ЙИЛЛИК ДОН

Бултур чинакам ғалла йили бўлди. Катта-катта майдонларда мўл дон етиштирилди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди тарихий қарорларини ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари материалларини изчил амалга ошириш учун бел боғлаган районимиз меҳнаткашлари ялпи дон ҳосилини 46613 тоннага етказдилар. Бошқача қилиб айтганда, 48232 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 9.8 центнердан ғалла олинди.

Бунга биринчидан, ўтган йили об-ҳавонинг қулай келганлиги туфайли эришилган бўлса, иккинчидан, ана шу ютуқлар ғаллакорларимизнинг ғайрат кўрсатиб меҳнат қилганликлари, деҳқончилик маданиятини тағин ҳам оширганликлари, ғалла майсаларини вақтида парваришлаганликлари сабабли кўлга киритилди. Бундан ташқари, барча майдонларга дон қиска муддатда, агротехника қоидалари асосида экилган эди. Районлаштирилган навларнинг экилиши ҳам ғалладан юқори ҳосил етиштиришимизда катта омил бўлди.

Ўтган йили давлатга дон сотиш планини 319 процент бажарган бўлсак, бунга алоҳида ҳисса қўшган ғаллакорларнинг номини тилга олмасдан мумкин эмас. Республика лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг дала лабораторияси ҳисобланган Карл Маркс номли совхоз бизнинг районимизда жойлашган. Совхоз аъзоматлари ўтган йили давлатга дон етказиб бериш топшириғини 324 процент адо этишди. Коммунист Зиёдулла Норқулов бошқарувчилик қилаётган бўлим 4000 гектар майдонда арпадан 15 центнердан, буғдойдан 13 центнердан ҳосил топширди. Ўрток Хушвақт Турсоатов бошлиқ бригада «олтин буғдой»нинг ҳар гектаридан 16,5 центнердан ҳосил олди. Бундай илғор бўлим ва бригадалар кўп. Шу совхоз ғаллакорлари беш йиллиқнинг тўртинчи йилида 19600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 12 центнердан дон топшириш ва улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб армуғон тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Дон майдонлари бу йил пландагига нисбатан 1800 гектар кенгайтирилади. Бу асосан қўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик оборотига киритиш ҳисобига амалга оширилади. Кузда экилган дон майсаларининг 7 минг гектари минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. 32500 гектардаги ғалла эрта баҳорда борона қилинади. 3000 гектар майдондаги экин гербицидлар билан ишланади. 3000 гектар ердаги ғалла майсалари селсувлари билан суғорилади ва уларнинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил олинишига эришилади. Шунингдек, суғориладиган майдонлардаги ғалланинг ҳар гектаридан 30 центнердан дон топширишга аҳд қилдик.

Камашиликлар пролетариатнинг буюк доҳийси **Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб совғалар тайёрлаш мақсадида бу йил 50 минг тонна дон етиштирадилар. Бу энг юқори ҳосилли 1968 йилдагига нисбатан 3400 тонна кўп демакдир. Шу билан бирга биз давлатга пландаги 7450 тонна ўрнига камида 30 минг тонна дон сотамиз. Бу — тўрт йиллик планга тенг.**

Р. ЭШОНҚУЛОВ,
Қашқадарё область, Камаши район партия комитетининг биринчи секретари.

ЯНГИЕР ҒАЛЛАСИ

Янгиер райони меҳнаткашлари 1969 йилда юксак мажбуриятларни олиб ишламоқдалар. Партия ташкилотлари коммунистларнинг, райондаги барча меҳнаткашларнинг Ленин юбилейи олди социалистик мусобақасига бошчилик қиляпти.

Ғаллачиликдаги ҳақида гап кетганида бултургга кўрсаткичларни мисолга келтириш жуда ўринлидир. Негаки, бултур ёнингарчиликлар кўп бўлиб, ғалла майсалари тез ўсди, серҳосил бўлди. Районимиз хўжаликлари бундан оқилона фойдаланиб, 16650 тонна дон етиштирдилар. Давлатга пландаги 8085 тонна ўрнига 11365 тонна сифатли дон сотдилар. Айни вақтда етарли миқдорда уруғлик фонди жамгарилишига эришдилар.

Айниқса, «Ховос» совхозининг биринчи ва тўртинчи бўлимлари (бўлим бошқарувчилари Нарзулла Ҳожиев ва Мавлонберди Худойбердиев ўртоқлар) катта муваффақиятларга эришдилар. Айрим участкаларда ҳар гектар ердан 20 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олинди. Ғаллакорларимиз бу йил ҳам ҳосилдорликни кўтариш учун барча тадбирларни маромида ўтказмоқдалар.

Кузда пландаги 21 минг гектар ўрнига 23700 гектар майдонга дон эккан эдик. Барча майдонларга сараланган уруғ қадалди. Катта-катта майдонларда дон яхши кўкарган. Бу йил баҳорда 2000 гектар ерга дон экамиз. Районда дон экинлари майдони 25700 гектарни ташкил этади.

Одатдан ташқари каттиқ келган қиш ғаллачиликка бирмунча зарар етказди. Текшириш натижасида 6000 гектарга яқин майдондаги кузги дон зарарланганлиги аниқланди. Биз ана шу майдонларга донни қайта экамиз ва унинг тез униб чиқишига эришамиз.

Районимиз меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига конкрет мажбурият олиб ишлашяпти. **Бу йил пландаги 17078 тонна ўрнига 28 минг тонна дон етиштирамиз ва давлатга пландаги 7420 тонна ўрнига 15200 тонна дон сотамиз.**

Ана шу мажбуриятни тўлатўкис бажариш мақсадида лалми ерларнинг ҳар гектаридан 10-11 центнердан ҳосил олишимиз керак. Суғориладиган майдонлардан эса гектар бошига камида 25 центнердан дон топшириш зарур. Булардан ташқари гектаридан 30 центнердан шоли ва 35 центнердан маккажўхори дони етиштирамиз.

Баҳорги дон экишни қиска муддатларда ўтказиш ва барча майдонлардаги ғалладан юқори ҳосил олинишига эришиш мақсадида зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик техникаси ремонтдан чиқарилган. Механизатор кадрлар жойжойига қўйилган. Ғаллачилик бўйича 3 та комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Барча майдонлардаги ғалла майсалари борона қилинади. Суғоришда оқар сувдан ташқари сел сувларидан ҳам фойдаланилади. 10 минг гектар ердаги ғалла майдони самолётлар воситасида гербицидлар билан ишланади. Ғалла ўрадиган комбайнлар ремонтини 1 Майга қадар тугаллаймиз.

Ғалладан мўл ҳосил етиштириш ва олинган мажбуриятларни гўла бажариш учун бу иш билан машғул бўлган кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Э. ИСЛОМОВ,
Сирдарё областидаги Янгиер район партия комитетининг биринчи секретари.

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Жазоир Халқ Демократик Республикаси революцион кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар министри Абдул Азиз Бутефликани 10 мартда қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва қар томонлама ҳамкорликни тағин ҳам ривожлантириш масалалари, шунингдек хозирги халқаро аҳвол масалалари муҳокама қилинди. СССР билан ЖХДР ўртасида ҳар икки мамлакат халкларининг манфаатларига ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга мос бўлиб тушувчи кардошларча дўстона муносабатлар муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

(ТАСС).

ЧИРЧИҚ шаҳридаги «Узбекхиммаш» заводи Олмалиқ химия заводи қурилишига ёрдам кўрсата бошлади. Чирчиқликлар қурилаётган корхона учун химия аппаратуралари бўйича буюртма қабул қилдилар. Суратда: электр пайвандчилар бригадасининг бошлиғи Тошпўлат Қиргизбоев. Бригада химия аппаратураларининг корпусларини тайёрлашда смена нормаларини 1,5 хисса ортиги билан бажаришга муваффақ бўлаётир.

В. Сироткин фотоси.

КУНҒИРОТ—МАКАТ темир йўл магистрали қурилишида нўпаб кишилар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Суратда: рельс ётқизувчилар бригадасининг бошлиғи Алексей Бровченко. У ишбоши бўлган коллектив ҳар куни 1,5 километрга яқин масофага пўлат излар ётқизишга эришмоқда.

А. Горюнин фотоси. (ЎзТАГ).

Расмий хабарлар

ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИГА ТАЙЁРГАРЛИК

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР КЕНГАШИ ТАЙЁРГАРЛИК КОМИССИЯСИНИНГ 1968 ЙИЛ КУЗИДА БУДАПЕШТДА БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДА КЕЛИШИБ ОЛИНГАНИГА МУВОФИҚ, КЕНГАШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ ИШ ГРУППАСИ ШУ ЙИЛ 10 МАРТДА МОСКВАДА ИШЛАЙ БОШЛАДИ. (ТАСС).

ҚАТНАШЧИЛАР МОСКВАГА КЕЛДИ

Коммунистик ва Ишчи партиялар халқаро кенгашига қўжжатлар тайёрловчи ишчи группа ва комиссиянинг мажлисларида қатнашмоқ учун Аргентина Коммунистик партияси, Бельгия Коммунистик партияси, Болгария Коммунистик партияси, Буюк Британия Коммунистик партияси, Венесуэла Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Гаити Бирлашган Коммунистлар партияси, Гваделупа Коммунистик партияси, Германия Коммунистик партияси, Германия Бирлашган Социалистик партияси, Ғарбий Берлин Бирлашган Социалистик партияси, Ирок Коммунистик партияси, Эрон Халқ партияси, Испания Коммунистик партияси, Канада Коммунистик партияси, Кипр Меҳнаткаш Халқ Прогрессив партияси, Ливан Коммунистик партияси, Мартиника Коммунистик партияси, Монголия Халқ Революцион партияси, Парагвай Коммунистик партияси, Перу Коммунистик партияси, Польша Бирлашган Ишчи партияси, Португалия Коммунистик партияси, Руминия Коммунистик партияси, Сальвадор Коммунистик партияси, Сурия Коммунистик партияси, Судан Коммунистик партияси, АҚШ Коммунистик партияси, Туркия Коммунистик партияси, Уруғвай Коммунистик партияси, Финляндия Коммунистик партияси, Чехословакия Коммунистик партияси, Эквадор Коммунистик партиясининг вакиллари Москвага келдилар.

Якин кунларда бошқа бир қанча кардош партияларнинг вакиллари келиши кутилади. (ТАСС).

ИШ ГРУППАСИ МАЖЛИСЛАРИДА ҚАТНАШУВЧИ КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ

КПСС Марказий Комитети коммунистик ва ишчи партиялар кенгашига материаллар тайёрловчи иш группасининг шу йил 10 мартда Москвада очилган мажлисида қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари Е. И. Кусков ҳамда СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори Н. Н. Иноземцевдан иборат составда КПСС делегациясини тасдиқлади.

БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

БУХОРО, («Совет Узбекистони» мухбири). Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишда дала меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоевнинг доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Кенгашда қиш қаттиқ келиб, дала ишлари орқага сурилиб кетган бу йилги шароитда кўклам экиш кампаниясига пухта тайёрлик кўриш; мавжуд техниканинг ҳаммасини 20 мартгача ремонтдан чиқариш, 15 мартгача ерларнинг ҳаммасини шудгорлаб кўйиш, шўр ювиш ва яхоб беришни 10 апрелга қадар тугаллаш, шу тарика чигит экишни 12-15 иш кунида юксак агротехника даражасида ўтказиш тадбирлари ҳақида фикрлашиб олинди. Областда бу йил кўриқ ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилади ва пахта майдонларини 10 минг гектар кенгайтирилади.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани янада кучайтириб, беш йиллигининг тўртинчи йилида давлатга 380 минг тонна пахта, 20 минг тонна дон, шу жумладан 2 минг тонна шоли, 2200 тонна пилла, кўплаб қорақўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов катнашди ва нутқ сўзлади.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг Эсдалик байроғларини Свердлов райони меҳнаткашлари вакилларига ҳамда Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози пахтакорларига доимо сақлаш учун топширди.

Кенгашда область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1969 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

МЕҲРИБОН

Носир аканч кабинетида учратиш жуда мушкул. Заводга қачон бормайин, директор қабулхонасидаги секретарь аёл ҳамиша:

— Носир Раҳимович цехга чиқиб кетган эди, — деб узур сўрагандай бўлади. — Агарда цехдан конструкторлик бюросига ёки партқомга кириб қолмаса, албатта қайтиб келиб қолади.

Дарҳақиқат, Носир Раҳимович завод билан, унинг меҳнаткаш, жафокаш, ижодкор кишилари билан ҳамиша ҳамдам. У агар ҳар куни эрталаб корхона цехлари, конструкторлик бюроси, лабораторияларига бир-бир кириб, мутахассислар, оддий ишчилар билан хол-аҳвол сўрашмаса, уларнинг чимага зориқаётганини билиб олмаса, кундалик ишини бошлай олмайди. Бунга заводдагиларнинг ҳаммаси ўрганиб қолган.

«Ўзбексельмаш» заводи республикамиз қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг энг улканларидан биридир. Бу ерда пахтакорлар учун жуда муҳим ва зарур бўлган мукаммал машиналар ишлаб чиқарилади. Бу ерда тайёрланган кўрак чувиш машиналари, хилма-хил сеялкалар, ерга гербицидлар соладиган мосламалар пахтакор деҳқонларимизнинг оғирини енгил қиляпти. Беш йилликнинг сўнгги уч йили ичида Носир Раҳимович Мирзараҳимов бошчилик қилаётган «Ўзбексельмаш» заводи коллективи республикамиз ва қардош республикалар деҳқонларига 20 мингдан ортиқ сеялка, 8 мингга яқин—тўкилган пахтани теришга олувчи механизмлар тайёрлаб юборди лар. Бултурининг ўзидагина тўкилган пахтани теришга оладиган механизмлардан бир ярим мингтаси пахтакорлар ихтиёрига юборилди. Бундан ташқари, корхона коллективи қишлоқ хўжалик техникасини запас қисмлар билан таъминлаш соҳасида ҳам тинмай меҳнат қиляпти. 1968 йилда республикамиз колхоз ва совхозларига 900 минг сўмлик запас қисмлар юборилди.

Айниқса ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машиналарининг сифатини яхшилашга катта эътибор берляпти.

— Қишлоқ хўжалик машиналарининг сифатида гап кўп, — дейди Носир Раҳимович. — Чунки машина сифати ёмон бўлса, ундан деҳқоннинг ихлоси қайтади, бизнинг ҳам таъбимиз хира бўлади. Шу боисдан ҳам бизда маҳсулот сифати учун кураш оддий ишчидан тортиб, то юқори раҳбар кадрларнинг ҳам кундалик бурчи бўлиб қолган. Чиндан ҳам корхонада тайёрланаётган машиналар сифати йил сайин яхшиланиб боряпти. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, агар 1967 йилда жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик машиналаридан 21,7 процент «Союзсельхозтехника» қабул комиссияси томонидан қайтарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич тенг ярмига қисқарди.

— Лекин бу бизни қониқтирмайди,—дейди директор, — корхонамиз коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деярли 100 процента аъло сифат бўлиши учун курашяпти. Ўйлаймизки, орадан кўп вақт ўтмай, биз бу ниятимизга эришамиз. Чунки корхонамизда, агар бир ишга астойдил қўл урса уни охирига етказишга қодир ажойиб кишилар, жанговар коммунистлар, қўли гул мутахассислар ишлайди.

Носир Раҳимович билан кимки суҳбатлашса, у ҳеч қачон у ёки бу ишни «мен қилдим», бу «менинг ташаббусим», деган иборалари сира ишлатмаганини гувоҳи бўлади. У ҳамиша «бизнинг коллектив», «бизнинг мутахассисларимиз», «бизнинг заводимиз» деб гапиради. Бунда катта ҳақиқат бор. Чунки Носир Раҳимович Мирзараҳимов, даставвал, ўзи ҳақида ўйламайди. У ҳамиша коллектив учун жон куйдиради, унинг келажаги, ниманинг ўсиши, тараққиёти ҳақида ғамхўрлик қилади. У чиндан ҳам коллективнинг отахони, меҳрибонидир. Коллектив ўзининг сайловолди йиғилишида Носир Раҳимович Мирзараҳимов номзодини Тошкент шаҳар Совети депутатлигига кўрсатганлигининг боиси ҳам шунда.

МУРАББИЙ

Тунов кун Муҳаррам опа билан йўлим бир тушиб қолди. Кўчада борар эканмиз, ҳар қадамда ўтган-кетган ёшу-қари унга меҳр билан салом бериб ўтарди. Дарҳақиқат, мундоқ ўйлаб қарасанг, ким элга ёқса, унинг ишончини қозонса, ўшанга иззат-ҳурмат катта бўлади. Муҳаррам опа эса ўзининг 30 йилдан ортиқ мураббийлик фаолиятида қанчадан-қанча одамларга яхшилик қилмади, қанчадан-қанча болаларни тарбиялаб ҳаётга йўлламади дейсиз.

Муҳаррам опа билан педагоглик билимини эгаллаганлар жуда кўп эди. Опа энди ўшаларни эсласа, ўз касбига охиригача содиқ бўлиб қолганлар унча кўп эмас экан. Баъзилари 2-3 йил ишлаб, тарбиячилик машаққатларига чидай олмай, бошқа соҳаларга ўтиб кетишди.

— Дунёда энг возик нарса — бу бола қалбидир, — дейди Муҳаррам опа Одилова, — унга нафақат эҳтиётсизлик, меҳрибонлик билан ёндошмасанг, хато қилиб қўясан, кеши. Бу эса ана шу боланинг бутун тақдирига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам ҳеч мактаб даргоҳига илк қадам қўйган ҳар бир ёш муаллимга мана шу ҳақда кўпроқ уқтираман, тажрибаларимни сўзлаб бераман.

Муҳаррам опа Одилова ўзи тарбиялаб чиқарган ва ҳозир ҳаётда ўз йўлини аниқ танлаб олган шогирдларининг сон-саноғи йўқ. Бири инженер, бири шифокор, бири тарбиячи, бири санъаткорлар. Уларнинг ҳаммасини Муҳаррам опа ўз фарзандидек кўради. Бирортаси ҳаётда яхши иш қилиб, ном чиқарган бўлса, ич-ичидан қувонади. Бу ҳақда гурурланиб гапиради. Агар кайсидир талабаси сал ножўя иш қилиб қўйгани қулоғига етиб қолгундек бўлса қаттиқ қойинади.

Ажойиб тарбиячи ва одамларга меҳрибон Муҳаррам опа ҳозир Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номли 169-мактабда директорлик қиляпти. У мактабда таълим-тарбия ишларини юқори савияга кўтариш, ҳар бир бола тақдири учун бутун коллектив масъулият ҳис қилиши, ҳар бир боланинг талант ва қобилиятларига эътибор билан қараша ҳамма педагогларни ўргатиш соҳасида катта ишлар олиб боряпти. Унинг ташаббуси билан мактабда эстетик тарбия ишлари кенг йўлга қўйилди. Бу мактабнинг ана шу соҳадаги тажрибаларини республикамиз бошқа илм даргоҳларида ҳам ёйиш соҳасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Шуни ҳам айтиш керакки, опа пойтахтимизнинг энг йирик мактабларидан бирига раҳбарлик қилишдан ташқари, катта жамоатчилик ишларига ҳам бош қўшяпти. Бир неча йиллардан бери у Тошкент область партия комитети ва Октябрь район партия комитети, шунингдек, Октябрь район ижроия комитетининг аъзолигига сайланиб келди. Унинг кўкрагида бир неча орден ва медаллар яркираб туради.

1966 йилда Муҳаррам опа «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Меҳрибон тарбиячи бир неча марта Октябрь район Совети депутатлигига сайланиб ўзининг халқ хизматкори сифатидаги бурчларини сидқидилдан бажариб келяпти. Шунинг учун уни меҳнаткашлар бу safar ҳам маҳаллий Советларга бўладиган сайлов олдидан Тошкент шаҳар Октябрь район Советига депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар. Чунки, улар Муҳаррам опа Одилова ҳеч қачон эл ишончини ерда қолдирмаслигини яхши билишади-да!

Неъмат УЛУҒЖОНОВ.
Суратларда: Н. Мирзараҳимов ва М. Одилова.

СУРАТДА: электр аппаратларини монтажловчи Роза Қўноқбоева. Чирчиқ трансформатор заводида Роза каби илғор ишчилар кўпайиб бормоқда. Унинг ўзи ҳар сменада планга қўшимча 30 процент иш бажаряпти. Бу ерда яқинда электрлаштирилган темир йўллар учун янги қудратли трансформаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги хил маҳсулотни ишлаб чиқаришни тезлаштиришга пешқадам ишчи Роза ҳам ҳисса қўшяпти.

В. Скротюн фотоси.



МАКТАБДА ЛЕНИН МУЗЕЙИ

САРИОСИЕ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги Карл Маркс номли 2-мактаб ўқувчилари ва педагогика коллективи аъзоларининг ташаббуси билан доҳий туғилган кунининг юз йиллик юбилейи олдидан Ленин музейи ташкил этилди.

Мактабнинг ўнинчи синф ўқувчилари В. И. Ленин Финляндия вокзалида 1917 йил апрелида чиқиб сўзлаган броневикнинг улкан макетини ясадилар. 7-«в» синф ўқувчи ва комсомоллари эса Ильичнинг самодержавие айғоқчиларидан яшириниб юрган пайтларда яшаган Разлиздаги чайласини пластилиндан гоят усталик билан ясадилар.

Мактаб ўқувчилари ўзлари ташкил этган музейни тарихий далиллар ва экспонатлар билан тўлдириш мақсадида кўпгина жойларга хат ёзиб мурожаат этдилар. Улар Ульяновскдаги, Ленинские Горкидаги В. И. Ленин уй-музейларига ҳамда Москвадаги революция музейига хат ёздилар. Натижада болаларнинг илтимоси қондирилди. Москва ва Ульяновск шаҳарларидаги музейлардан В. И. Ленин хатларк ва ҳужжатларининг фотонусхалари, доҳий овози ёзилган пластинкалар ва бошқа жуда кўплаб тарихий ҳужжатлар олинди.

Музей экспонатларини бойитишда ота-оналар ҳам актив иштирок этяптилар.

А. ХАЛИЛОВ.

МЕРОС, СХЕМА ВА ҲАЁТ

(АДАБИЙ МЕРОСНИ ИЖОДИЙ ЎРГАНАЙЛИК)

●

Коммунизм жамиятининг муҳташам биносини барпо этиш, унинг муаззам ва порлоқ маънавий маданиятини яратиш борасида совет халқларининг олиб бораётган қаҳрамонона курашларида маданий ва адабий мерос муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун партиямиз кишилик жамияти томонидан ўтмишда яратилган маънавий бойликларни танқидий ўрганиш, уларни ижодий ўзлаштириш ҳақида тинмай таълим бериб келади. В. И. Ленин 1913-йилда ёзган «Миллий масала юзасидан танқидий мулоҳазалар» номли асарида антагонистик жамиятларда яратилган миллий маданиятлар ва уларга муносабат масаласини тарихда мисли кўрилмаган донолик билан ҳал қилиб, шундай деган эди: «Ҳар қандай миллий маданиятда, — деб таълим берган эди В. И. Ленин, — гарчи ривожланмаган бўлсада, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради. Биз... ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларинигина оламиз, биз уларни фақат ва мутлақо ҳар бир миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарамақарши қўйиб оламиз» (В. И. Ленин. Асарлар, 4-нашри, том 20, 9-бет).

Марксизм-ленинизм ғояларини изчил давом эттираётган партиямиз ўзининг XXII съездида қабул қилган программасида бу тўғрида қуйидаги сўзларни ёзган: «Коммунизм маданияти жаҳон маданияти яратган ҳамма яхши нарсаларни ўз ичига олиб ва ривожлантириб, инсониятнинг маданий тараққиётида янги олий босқич бўлади... Бу — синфсиз жамият маданияти, умумхалқ, умуминсоний маданияти бўлади».

Умумсовет адабиётшунослигининг ажралмас қисми бўлган ўзбек адабиётшунослиги бугунги тараққиёт босқичига эришгунча шарафли йўлни босиб ўтди. Энг ҳаққоний илмий назария билан қуролланган совет адабиётшунослиги вульгар социологизм, формализм ва бошқа антимарксистик оқимларга қарши курашиб, маданий-адабий меросга муносабат масаласини тўғри, адолатли йўсинда ҳал қилишга эришди. Бу борада ўзбек адабиётшунослигига ҳам мураккаб шароитда иш кўришга тўғри келди. Бир вақтлар, хусусан 20-йилларда буржуа миллатчи «назариятчи»лари нигилистик қарашларни тарғиб қилиб, ўзбек халқини унинг ота-боболари яратиб қолдирган мислсиз бой маданиятдан, жаҳон адабиётининг дурдоналари қаторида турган адабиётдан маҳрум этишга тиришган эдилар. Лекин марксча-ленинча эстетика принципларига охиригача содиқ бўлган ўзбек совет адабиётшунослиги ҳар қандай қинғир йўлларга, ғайри илмий «назария»ларга зарба бериб, маданий ва адабий мерос проблемасини муваффақиятли ҳал қилди ва бу бойликни коммунизм манфаатлари учун хизмат қилишга йўналтирди.

Адабий меросни ижодий ўрганиш, ундан бугунги социалистик ҳаётимиз тараққиёти йўлида фойдаланиш соҳасидаги ютуқларимиз катта ва шак-шубҳасиздир. Бундан кейинги адабиётшунослигимизнинг бу борадаги истиқболи яна ҳам улуғроқдир.

Таассуфки, шу умумий юксалиш, улкан қадамлар билан олдинга қараб интилиш асносида адабиётшуносликда ва танқидчилигимизда баъзи камчиликлар ҳам содир бўлмоқдаки, улар устида ўз вақтида баҳс очишни идеология соҳасининг софлиги учун кураш вазифалари талаб этади.

Айрим адабиётшуносларимиз ва танқидчиларимиз ишларида кўриниб қоладиган шундай баҳс-мулоҳаза талаб масалаларидан бири, ўтмиш ёзувчиларининг тарихий хизматларига қараб баҳолаш ва улар меросини замонамиз маданий ҳаётида фойдаланиш масаласидир. Аввало шуни таъкидлаш керакки, бу масалада кейинги ўн йил ичида адабий ҳаётимизда катта силжиш рўй берди. Илгариги вақтлардаги чеклаш, ёзувчилар ижодини бир ёқлама юзаки ёндошиб, нотўғри баҳолаш, шунинг натижасида адабиёт тарихини камбағаллаштириб кўйиш ҳоллари ҳозир барҳам топди. Эндиликда ўтмиш адабиётимизнинг бутун бойликларини очишга харакат қилиш, халқимизни унинг фазилатларидан тўлиқ баҳраманд этишга интилиш мавжуд. Лекин худди шу интилиш, айрим ўринларда, ёзувчиларни керагидан ортиқча баҳолашни, натижада марксча-ленинча эстетика кўрсатмаларидан четга чиқиш ҳолларини ҳам туғдирмоқда. Тарихий шахсларни баҳолашда марксизм-ленинизм таълимотини унутиш, баъзан ўринсиз равишда, ўтмиш ёзувчиларига «классик», «прогрессив», «демократ» деган таърифларни қўллашга олиб келмоқда.

Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти «Ўзбек классиклари кутубхонаси» серияснни ташкил қилган. Бу, албатта, яхши ташаббус. Лекин бу серияга ўтмишда яшаган ўртамиёна шоирларнинг кўпи бефарқ киритилдики, бу энг камида меросга муносабатда маълум илмий принцип йўқлигини кўрсатади.

Бизнинг ўтмиш адабиётимиз шоир ва ёзувчиларга ниҳоятда бой. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бир турли талант ва маҳоратга эгэ бўлмаганлар, уларнинг ҳаммасини ҳам «классик»лар даражасида қўйиш тўғри бўлмайди. В. Г. Белинский ўз вақтида «кимни классик деб аташ мумкин?» деган савол қўйиб, бу саволга — ўз даври ҳаётини юксак бадиий образларда энг тўлиқ ва чуқур акс эттирган санъаткорларгина классик ҳисобланиши мумкин, деб жавоб берган эди.

Ёзувчиларнинг бадиий-эстетик позицияларини чуқур анализ қилиш йўли билан уларнинг ижодий қиёфаларини баҳолаш ва конкрет тарихий шароитдаги хизматларини белгилаш адабиёт ҳақидаги илмнинг етакчи принципларидан бири ҳисобланади. Бу илмий принцип баъзи тадқиқотчиларимиз ичида унутилмоқда ёки кўпол суратда бузилмоқда. Масалан XIX-аср охири XX-аср бошларида яшаган Юсуф Саръёмий бир неча йил муқаддам нашр этилган мўътабар китобларимиздан бирида («Ўзбек адабиёти», IV-том, I-китоб. Тошкент, 1960, 179-бет) зарарли объективчилик руҳида баҳоланиб, «лирик ва сатирик характердаги асарлар ёзган», айни замонда, «диний мистиканы тарғиб қилган шоир» сифатида характеристика берилган эди. Лекин баъзи тадқиқотчиларимиз уни «демократ шоир» сифатида талқин этмоқдалар. Шундай қилиб, аслида Сайрамда эшонлик билан умр кечирган Мавлавий Юсуф Саръёмий айрим «тадқиқотчиларимиз» талқинида «лирик, сатирик шоир»лик орқали «демократ шоир»лик даражасига кўтарилиб қолди. Ўринсиз ва хато равишда шоирларга бундай «прогрессив», «демократ» унвонларини бериш бахтга қарши ёлғиз ҳодиса эмас, бу хилдаги хатоликлар кейинги вақтларда адабиёт соҳасида эзлон қилинган ишларда учраб турибди. В. И. Ленин ўтмиш арбобларини хизматларини қайси принцип асосида баҳолаш кераклигини кўрсатиб шундай уқтирган эди: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига чисбатан тўғри келадиган нарсалар **берганликларига қараб** ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади» (В. И. Ленин. Асарлар, 4-нашр, т 2, 190-бет). Тарихий арбобларнинг **яратган янгиликларига** қараб уларни баҳолаш кераклиги тўғрисидаги В. И. Ленин таълимоти асосида фақат Юсуф Саръёмий ижодий қиёфаси ҳақидаги мавжуд қарашларни қайта кўриб чиқиш билан чекланмасдан, балки ўзбек адабиёти тарихига мансуб бўлган бир қатор бошқа ёзувчилар (Хувайдо, Мискин, в. б.) ҳақидаги қарашларни ҳам танқидий қайта назардан кечириш зарурияти бор.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги учун унинг ҳозирги замон тараққиёт босқичида алоҳида диққат-эътибор бериши талаб этиладиган масалалардан бири тарихийлик принципидир. Бу принцип ҳодисаларни аниқ ҳаётий муҳитда, конкрет ижтимоий-сиёсий шароитда бутун ҳий, Нишотий, Ноқис Каттақўрғоний, Жоний каби шоирлар номи адабиёт тарихига янгидан кириб келдики, ҳали уларнинг ижодий хизматлари, тарихий тараққиётда ўйнаган роллари аниқ ўз баҳосини топмагани ҳолда, улар турли китобларимиздан кенг ўрин олмоқдалар.

Илмий адабиётимизда тарихийлик принципидан четга чиқиш Навоий — Ҳусайн Бойқаро муносабатлари масаласида ҳам кўзга ташланади. Маълумки, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари ҳақида Европа буржуа шарқшунослигида бошланган традицион қараш узоқ вақт ҳукмронлик қилиб келди. Буржуа олимлари Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги алоқани «болалик даврида мактабдошлик ҳаётидан бошланиб, улар умрининг охиригача беозор бегубор ўтган дўстлик муносабатлари» тарзида талқин этдилар. Адабиётда вульгар социологизм тенденциялари авж олган даврда эса бу масалада янги қараш майдонга келди ва «подшо-шоир» концепцияси туғилди. Бу концепцияга биноан Ҳусайн Бойқаро подшо сифатида қуюқ қора бўёқлар билан тасвирланди. Навоий бўлса адолат ва ҳаққоният тарафдори бўлган шоир сифатида кўрсатилиб, улар ўртасидаги зиддият эўр бериб бўрттирилди. Ҳусайн Бойқаро томонидан ёзилган Алишер Навоий ҳақидаги рисоланинг 1966 йилда тошлиши ва матбуотимизда нашр этилиши муносабати билан («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1966 № 3) Навоий ва Бойқаро муносабатлари масаласида яна бурилиш рўй бериб, бир қатор ишларда улар ўртасидаги дўстлик муносабатларини бир ёқлама таъкидлаш тенденцияси сезиларли даражада кучайди. Ҳолбуки, Навоий—Ҳусайн Бойқаро муносабатларини талқин этишдаги бу ҳар икки тенденция жонсиз схематизмдан иборат бўлиб, тарихий ҳақиқатни бутун мураккаблиги билан тўла акс эттира олмайди. Бу борада ги илмий ҳақиқатни фақат масалага тарихийлик принципи асосида ёндошиш, бу ҳодисани турли босқичларда, ўзгариш ва эволюцияда кўриш орқалигина аниқлаш мумкин. Зотан тарихий воқеаларнинг бориши Навоийнинг ўз олижаноб интилишларини амалга оширишда адашганини аён кўрсатди. Зотан тарихийлик принципи асосида яратилган бундай концепция адабиётимизда (фақат бадиий адабиётимизда) «Алишер Навоий» драмасида ва Ойбекнинг «Навоий» романида кўпдан бери яшаб келади. Бадиий адабиётимиздаги бу тўғри йўлни илмий адабиётимизда қўллаб-қувватлаш ва кенг пропаганда қилиш зарур.

Ўтмиш адабий меросининг мураккаб ва мулоҳаза талаб нуқталаридан бири Октябрь арафалари ва совет даврининг дастлабки йиллари, 20-йиллар даври адабиётидир. Бу давр адабий ҳаёти танқидчилар ва адабиётшунослар диққатини ўзига кўпроқ жалб этдики, бу ҳол табиий ва қонуниймдир. Чунки революцион курашлар кучайган, оламшумул тарихий воқеалар рўй берган бу даврнинг адабий ҳаёти ҳақиқатан қизиқарли ва хилма-хил адабий йўналишларга бойдир. Мана шу хилма-хиллик ва адабий ҳаётнинг мураккаблиги адабиётшуносликдан алоҳида эҳтиёткорликни, методологик масалаларда ҳушёрликни, ҳар қайси ҳодисани конкрет ўрганишни талаб этади. Шундагина бу даврда яшаган у ёки бу ёзувчи қандай қиёфага эга бўлганини, умумий адабий процессда қайси позицияда турганини аниқ белгилаб олиш мумкин бўлади. Маълумки, бу давр адабий ҳаётидаги реакцион — буржуа-жадид адабиётини бир ёққа қўйиб, прогрессив адабиётни олганимизда ҳам унда бир неча йўналишлар мавжуд эканини кўрамиз. Жумладан унда Завқий, Аваз Ўтар каби машҳур демократ шоирлар, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода каби революцион адабиётнинг намояндалари (сўнгроқ биринчи совет ёзувчилари), Ажзий, Хислат каби педагог-маорифпарвар шоирлар иштирок этдилар. Адабиётдаги прогрессив лагерга мансуб бўлган бу шоирлардан ташқари Оразий, Ҳақирий, Зорий каби ўз ижодлари билан демократик адабиётга яқинлашиб келувчи, Сўфизода, Абдулла Авлоний каби революцион адабиёт аҳллари билан ҳамкорлик қилувчи, Азизий, Баёний, Абдуқодир Шакурий каби маорифчилик-оқартувчилик идеяларини тарғиб қилувчи шоирлар ҳам борки, буларнинг ҳар бири ўз йўлига, ўз қиёфасига, кучли ва заиф томонларига эга. Ҳамма гап шундаки ,революция арафалари ва революциядан кейинги 20-йиллар даври адабиётида иштирок этган бу ва буларга ўхшаш яна кўп ёзувчи ва шоирларни баҳолаш ва умумий адабий жараёндаги ўринларини тайинлаш кўп жиҳатдан адабий ҳаётдаги йўналишлар характери ва моҳиятини тўғри, илмий жиҳатдан аниқ белгилаб олишга боғлиқ. Бизда, адабиётшунослигимизда адабий жараённинг умумий тенденцияларини, тараққиёт қонуниятларини ўрганиш анча оқсайди. Бу сўз фақат 20-йиллар даври адабий ҳаётига тааллуқли бўлмасдан, ўзбек адабиёти тарихининг бошқа тараққиёт босқичларига ҳам алоқадордир.

Ўзбек адабиётшунослиги ҳамма вақт марксча-ленинча эстетика принципларига суяниб, хусусан В. И. Ленининг ўтмиш меросдан танқидий фойдаланиш тўғрисидаги таълимотига амал қилиб адабиёт тарихининг мураккаб масалаларини муваффақият билан ҳал қилиб келди, ўсди, улғайди.

Кўп асрлик бой ўтмишга эга бўлган ўзбек адабиёти тарихининг асосий принципиал назарий масалаларини марксча-ленинча эстетика таълимотига суяниб ҳал этиб келган ўзбек адабиётшунослиги бундан кейин ҳам ўз олдида турган вазифаларни шу таълимот асосида муваффақият билан ҳал қилади деб ишонамиз.

Ғ. КАРИМОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети профессори.

БУ ХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТЎЁНА

Навоий химия комбинати партия ташкилоти ҳисобидаги ҳар бир КПСС аъзоси В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига шахсий мажбурият қабул қилган. Ленинча меҳнат вахтасида ишлаётган комбинат ишчилари, инженер-техниклари ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга интилмоқдалар. Ҳамма соҳада комбинат коммунистлари бош-қош бўлишяпти.

КПСС аъзоси механик В. Луньянов, технолог Б. Яновский, энергетик Г. Аҳмедзяновлар компрессорларни модернизация қилишни таклиф этдилар. Корхона партия комитети бу масалани муфассал ўрганиб чиқди. Модернизация жараёни амалга оширилгач, ишлаб чиқариш қуввати 15 процент кўтарилди. Коммунистларнинг ташаббусидан ҳозирнинг ўзидаёқ 10 минг сўмдан зиёд фойда олинди. Комбинат коммунистлари меҳнатда эришган барча ютуқларини улуғ доҳий юбилейига туҳфа қилмоқдалар.

ТЕЗКОРЛИК УСУЛИ

Бухоро область колхозлараро қурилиш трести коммунистлари беш йиллик объектларини фойдаланишга топширишни тезлаштириш масаласини муҳокама қилдилар. Трест биноқорлари беш йиллигининг ўтган йиллари ичида 97 дала шийпони, 32 минг 500 квадрат метр ҳажмдаги 650 та ўй-жой биноларини, 25 минг 508 ўқувчига мўлжалланган бир неча мактаб, болалар боғчалари, 310 ўринли шифохона, 15 ҳаммом, 10 дан ортиқ қишлоқ клубларини тиклаб фойдаланишга топширдилар.

Қишлоқ қурилишида темир-бетон ва йирик панеллардан фойдаланиш қурилиш муддатини 2,5—3 баравар қисқартириш имкониятини бермоқда. Свердлов, Ғиждувон, Қоракўл, Ромитан район колхозлараро қурилиш ташкилотлари бу соҳада бой тажриба тўпладилар. Коммунист Рамазон Остонов, Эрназар Умаров, Ҳалим Ашуров ўртоқлар бошқараётган комплекс бригадаларнинг аъзолари қурилишда тезкорлик усулини жорий этиб, ҳаммага ибрат бўлишяпти.

РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБДА

Ғиждувон пахта тозалаш заводи коммунистлари ҳали ишга солинмаган резерв ҳамда имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. Бултур корхона пландан ташқари 1 миллион 378 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Бу йил ана шу рақамнинг салмоғи қандай бўлади?

Завод коммунистлари олинаётган фойданинг талай қисмини ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжларига сарфлашни мўлжаллаб кўришди. Дастлабки режаларга кўра, беш йиллигининг тўртинчи йилида пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот берилади. Шу ҳисобдан 400 ўринли кинотеатр, 1500 квадрат-метр ҳажмдаги уй-жой, чойхона ва ошхоналар қурилади. Корхона ишчилари шаҳарчасига табиий газ келтирилиб, йўл ва йўлаклаларга асфальт ётқизилади. Бундан ташқари, Қалмоқон, Дўрмон ва Чандир пахта пунктларида чойхона, маданий-маиший муассасалар барпо этилади.

Бу режаларни амалга оширишда корхона коммунистлари ташаббус ва ғайрат кўрсатишяпти. Ғиждувонлик пахта тозаловчилар бошлаган ташаббус областнинг барча саноат корхоналарида кенг ёйилмоқда.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФУРСАТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

«Совет Ўзбекистони» рейди

✦ ИШ КЎП-У, ТАШВИШ ЙЎҚ. ✦ КЎКЛАМГИ ИШ ПЛАНЛАРИНИ ҚАЧОН ТУЗАСИЗ? ✦ 90 ПРОЦЕНТ МАЙДОННИНГ ШУДГОРИ ТУРИБДИ. ✦ ТЕХНИКА ТАХТ ЭМАС. ✦ МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ЎЛДА-ЖЎЛДА.

Қиш қишлигини қилди. Қанчадан қанча қолган ишларга қор ёғди. Фарғоналиклар ҳар йилгидек илик, қорсиз қишни кутиб доғда қолишди. Неча ўн минг гектар ерда ғўзапоя йиғиштирилмай қолди. Якин 211 минг гектар майдон кузги шудгорсиз қолиб кетди. Устига устак қиш қаттиқ келиб, ерларчиқ шўрини ювиш ташлаб юборилди. Ҳозир техника кўкламга тахт эмас. Ҳали 3341 трактор, 1162 сеялка, 426 плуг ремонтдан чиқарилганча йўқ. Март ойи ичида фарғоналиклар бир неча минг гектар ерда шўр ювишлари, далаларни ғўзапоядан тозалашлари, ҳавс юришиб кетиши билан ерни ҳайдаб олишлари керак. Вақт тиғиз. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, табиат бу йилги баҳорги дала ишларини ўтказишга бошқа йиллардагидан уч баравар кам вақт ажратяпти. Уч кунда қилинадиган ишни энди бир кунда бажариш керак.

Бу аҳвол деҳқонларни ташвишга солиб қўйди. Улар кўкламги ишга кандай тараддуд кўрсак экан, кузда қолган ишларни қандай тезроқ бажариб олсак экан деб, маслаҳатлашишмоқда. Имкониятларни қараб чиқишмоқда.

Баз Ленинград районидаги Энгельс номли колхозда бунинг шоҳиди бўлдик. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу йилги оғир шароитни ҳисобга олиб, кўкламга тайёрлик ва экишни қисқа муддатда ўтказиб олиш тадбирларини ишлаб чиқди. Иш графиклари тузилди. Социалистик мусобақа ва моддий рағбатлантириш шартлари белгиланди. Ҳозир 30 та ҳайдов трактори далада кор кетиб, ернинг муздан тушишини кутиб турибди. Бу ерда кунига 200 гектар ер ҳайдалиб, 11 кунда бутун майдонларни шудгордан чиқариш планлаштирилди; 20 та сеялка билан кунига 150 гектарга чигит экиш кўзда тугиллаётир. Колхоз правлениеси ҳайдовга бир ҳафта илгари тушиб, ерларни чигит экишга тайёрлаб олиш, экишни 20 кунда тугаллашни мўлжалламоқда.

Энгельс номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти кўкламга тайёрлик ва чигит экишни қисқа муддатда сифатли ўтказиш мақсадида механизаторларни рағбатлантиришнинг янги тартибини жорий қилди. Аввало ҳайдов нормаси 0,4 гектар камайтирилиб, 3.6 гектар белгиланди. Нормадан ошириб сифатли ер ҳайдаганлари учун эса 5 гектаргача 20 процент, 5 гектардан ортиқ 40 процентгача қўшимча ҳақ белгиланди. Чигит экишда ҳам шундай тартиб қўлланилади. Ҳозир колхоз деҳқонлари кунига 41 прицеп билан 200 тоннадан ортиқ ғўза тайёрлашмоқда. Шу кунга қадар 800 гектар ҳисобига 16 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ҳозирланди. Правление кунлик суръатни икки баравар кўтариб, ҳар гектар ҳисобига жами 30-35 тоннадан ғўза тайёрлаш тадбирларини кўрмоқда. Шунда 800 гектар ерга 3 йилга етадиган ғўза солиниши таъминланади. Энгельс номли колхоз деҳқонларининг бу тажрибаси кўп йилгги зонада мутасил 30 центнердан юқори ҳосил кўтариш имконини бериб келяпти.

Афсуски, бу қимматли тажриба йилига йилдан катта зарар кўраётган Фарғонада кенг ёйилмаяпти. Жуда кўп хўжаликларда маҳаллий ўғит тайёрлаб, далага чиқариш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тайёрланган ғўғ ҳам йилгги майдонга эмас, тўғри келган далага солиб юбориляпти. Бу ишга етарли даражада транспорт ва ишчи кучлари ажратилмаган. Натижада шундай қиш узайиб кетган, истаганча ғўғ тайёрлаш мумкин бўлган бир вақтда Фарғона областида гектар бошига энди 2 тоннадан маҳаллий ўғит жамгарилди, холос.

Устига-устак Бағдод, Олтиариқ, Қува, Охунбобоев сингари қатор районларда, областнинг кўпчилик хўжаликларида Энгельс номли колхозлари сингари кўкламга тайёрлик ва экишни ташкил қилиш графикларини тузиш ҳали ўйлаб кўрилганча йўқ. Олтиариқ район қишлоқ хўжалиқ бошқармасида кўкламги ишлар планини топиб беришолмади. Бағдод район қишлоқ хўжалиқ бошқармасида эса бош агроном ўртоқ Болтабоев район бўйича бундай иш плани йўқлигини тан олишдан бошқа илож тополмади. Лекин у, бундай план ҳозир колхозларда тузиляпти, лекин биз уларни олиб кўриб чиққанимизча йўқ, бусиз районнинг иш планини тузиб бўлмайди, деб ишонтирди. Афсуски, бу қуруқ гап экан. Колхозларда ҳали бу ишга қўл ҳам урилмаган. Шу райондаги «Ленинград» колхози партия комитети секретари М. Эргашевнинг айтишича, область кенгаши кўтиб, вазифалар аниқлаб олинишини кутиб ўтиришибди. Бусиз кўкламги дала ишларини бажаришнинг конкрет графигини тузиб бўлмас эмиш. Колхозда бўлса кузда қолган ишларнинг чеки йўқ. Далалар ғўзапоядан тозаланмаган. 1200 гектар ер шудгорсиз қолган. Бағдод массивидаги 500 гектар янги ўзлаштирилган ер ҳалигача шўри ювилмаган. Ўртоқ Эргашев, агар шу 500 гектар ернинг шўрини мартда ювиб олмасак унда апрелда бериладиган сувнинг фойдаси йўқ, деди. Бу гапда жон бор. Лекин шу ташвишга яраша иш борми? Йўқ. Бағдод массивига катта Фарғона каналидан сув берадиган ариқ бултур кўздан бери бузилиб ётибди. Уни бетонлаш керак. Лекин бу иш ҳамоа сансалорликка солинади. Колхозлар ариқни сув хўжалиги ташкилотлари гузатсин деса, бу ташкилотлар эса, ҳозир бошқа ишларимиз бошимиздан ошиб ётибди, деб бунга парво қилмайди. Икки ўртада Бағдод массивида 2 минг гектардан ортиқ ер шўри ювилмай қоляпти. Эртага чигит экишга киришилганда бу ерлар экишга тайёрланмай қолса, жавобни ким бераркин? Ҳозир бундан ғўё бехабардек юрган Бағдод район партия комитетининг раҳбарлари қимни бюрода тикка турғизишаркин, биз шунисига ҳайронмиз.

Кўп мутахассислар Фарғонада йилдан йилга вилт кучайиб, кенг тарқаб кетаётганини, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётганини айтадилар. Шунга қарамай, Фарғона областида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун хўжаликлар ажратаётган маблағларнинг катта қисми фойдаланилмай қолиб кетяпти. Бергина Олтиариқ районида бултур колхозлар мелиорация ишларига ажратган маблағдан 118 минг сўми фойдаланилмай қолди. Фарғона область хўжаликлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни суғориш системалари бошқармаларининг иши, деб қараб, ўзлари катта зарар кўраётирлар. Областда ўз ресурслари ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаётган хўжаликлар жуда оз. Область суғориш системалари бошқармаси эса колхозларнинг буюртмаларини бажаролмаётир. Бу бошқармада ҳозирги кунда 120 та экскаваторчи етишмайди. Қува, Охунбобоев, Олтиариқ, Риштон районларида эса қатор хўжаликлар зовур сувларидан суғоришда фойдаланамиз, деб коллекторларга тўғон солиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини сунъий равишда баттар ёмонлаштириб юборишаётир.

Областда мелиорацияннинг илғор усуллари— ёпиқ ва тик зовурларга кўчиш борасида қилинаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди.

Даладаги қор ҳам кетиб, кўклам нафаси эсмоқда. Фарғонада иш кўп, ҳаддан ташқари кўп. Вақт тиғиз, тайёргарлик бўлса фарғоналик пахта усталари номига ярашмаган даражада суст. Уни тан олиш, белни боғлаб ишга киришиш пайти келди. Фурсат сизни кутиб турмайди.

Д. ЭРГАШЕВ — Фарғона область партия комитетининг инструктори, А. ОРТИҚОВ — «Коммуна» газетасининг редактор ўринбосари, Б. РЎСТАМОВ — Ленинград район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири, М. МАНСУРОВ — «Совет Ўзбекистони» муҳбири.

Бу йилги қиш Бухоро области чорвадорлари учун катта синов бўлди. Ҳамма ерга ёққан қалин қор чорва молларни асраш ва боқишни қийинлаштирди, чўпон-чўлиқларнинг ташвишини кўпайтирди. Ана шундай дамларда областдаги шаҳар ва қишлоқларнинг минглаб меҳнаткашлари яйлов баҳодирларига ёрдамга келишди, ҳар куни юзлаб автомашиналарда, шунингдек самолёт ва вертолётларда концентрат озуқалар, чорвадорлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ кийим-нечоқлар келтириб турилди. Юқоридаги суратда: агитатор Нурсулув Ажарбоева ва «Томди» совхозининг энг яхши чўпонларидан бири Бўлибой Шармуродов. Пастдаги суратда эса қанотли ёрдамчилар совхознинг иккинчи фермасига учиб келишди.

А. Усмонов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАОЧИЛАР ШАРМАНДАИ ШАРМИСОР ҚИЛИНСИН!

ТОШКЕНТ

Узбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Пекин маъмурларининг сурбетларча иғвогарликларидан чексиз даргазаб бўлмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатида 10 март куни тушлик ғанаффус пайтида митинг бўлиб ўтди. Митингда ремонтчи М. Хошимов сўзга чиқди.

Маочилар жуда оғир хиёнат қилди, — деди кўпдан буён шу корхонада ишлаб келаётган ишчи. — Ҳозирги Антойнинг ҳукмронлари ўзларининг разиллик билан тутган телба сиёсатида социализм ишига тўла хиёнат қилишгача етиб келдилар. Улар энг ашаддий бандитларча ҳаракат қилиб, энг қабиҳ жиноятлардан ҳам тап тортмаётирлар. Улар бу қонли қилмишлари учун жавоб берадилар. Чегарачиларимизнинг қони шуни талаб қилади!

Митингда сўзга чиққан кишилар — Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси ишчи А. А. Гараев, тўқувчи Р. Аммунова ҳамда тўқувчилар кўп минг кишилик коллективнинг бошқа вакиллари ҳам шу ҳақда гапирадилар.

Митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда бундай дейилади. Хитой нифрончилари ўзларининг жиноий ҳаракатлари билан империалистларга тўғридан-тўғри қўллаб-қувватламоқдалар. Жаҳон пролетариати манфаатларига хиёнат қилмоқдалар. Тўқимачилар, биз жонажон Коммунистик партия етрофида ўз сафларимизни янада мустаҳкамроқ жипслаштирамиз, революцион ҳушёрлигимизни янада оширамиз, деб айтишди.

Марказий Телеграф ходимларининг митингида ҳам шунга ўхшаш резолюция қабул қилинди.

Тошкент меҳнаткашлари ўзларининг митингларида совет давлатининг қуч-қудратини бундан кейин ҳам мустаҳкамлашга, коммунистик қурилишдаги муваффақиятларни тобора кўпайтиришга бел боғлаганликларини изҳор этмоқдалар.

ХОРАЗМ

УРГАНЧ, 10 март. (ЎзТАГ). Ўрганчдаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикаси коллективининг кўп кишилик митингида тикувчи-моторчи А. Рўзметова ўз ўртоқларининг ҳис-туйғуларини ифодалаб гапирди.

— Мао Цзэ-дун тўдаси ҳаммамизнинг лаънатига лойиқ бўладиган иш қилди, — деди у. — Социалистик лагерь манфаатларига хиёнат қилган нифрончилар ҳавфли хорбий авантюралар йўлидан бормоқдалар. Улар бизнинг мустаҳкам чегараларимизга ҳамла қилиб, совет чегарачиларининг қонини тўкдилар. Қаҳр-ғазабимизни айтиш учун сўз камлик қилади. Хитойлик жиноятчилар шуни билиб қўйишсин, улар ўз ёвузликлари учун жавоб берадилар!

Ғиҳувчилар жонажон партия билан Совет ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатини қизғин маъқуллаб резолюция қабул қилдилар.

СУРХОНДАРЁ

ТЕРМИЗ, 10 март. (ЎзТАГ). Сурхондарё ноҳоналарида, қурилишларида, колхозларида, совхозларида ,ўқув юртларида Хитой маъмурларининг қонли авантюрасига қарши кўп кишилик норозилик митинглари бўлиб ўтмоқда.

— Биз маочиларнинг сурбетларча қилган хуружидан чексиз даргазаб бўлдик, — деди Жарқўрғон районидаги Ленин номли колхоз аъзоларининг митингида сўзга чиққан трактор чи Хурсанд Ҳидиров. — Мао ва унинг тўдаси шуни яхши билиб қўйсин: Ватанимизнинг муқаддас чегараларини бузишга совет кишилари сира йўл қўймайдилар. Биз ҳар қандай тажовузкорга зарба беришга қодирмиз!

Митинг қатнашчилари далаларда ва фермалардаги фидокорона меҳнатимиз билан Ватанимиз қуч-қудратини оширамиз, деб резолюция қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

СИРДАРЁ ЖИЛОВИ

РЕПОРТАЖ

Область ижроия комитети, аниқроғи, раис муовини Содиқ Расуловнинг кабинети тошқинга қарши курашувчи комиссия штабига айланган дейиш мумкин. Бугун ҳам комиссия аъзолари шу ерда тўпланишган. «3-73» телефони тинимсиз жиринглайди. Навбатчи Раҳмонберди Хўжанов Сирдарё бўйларидаги «хавфли пункт»ларда турган назоратчиларнинг шошилинч маълумотларини дафтарга қайд қилмоқда.

Бу йилги об-ҳаво ҳаммага маълум. Лекин, Сирдарё тошадими? Бу ҳақда билимдон мутахассислар, вертолётда «хавфли зона»ларни текшириб қайтган комиссия аъзолари нима дейишмоқда? Тошқиннинг олдини олиш область комиссиясининг сўнгги шошилинч йиғилиши шуларни муҳокама қилмоқда.

—Кеча область партия комитетининг секретари Усмонхўжаев область суғориш системалари бошқармасининг бош инженери Турсунов ўртоқлар билан вертолётда «хавфли зона»ларни кузатдик, — деди комиссия раиси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор Содиқ Расулов комиссия аъзоларига ахборот берар экан. Ўртадаги катта айлана столда карта ёзиб қўйилган — «Ўзбекистон ССР Сирдарё области ирригация шохобчалари картаси». Унда тарам-тарам сув йўллари.

Комиссия раиси сўзида давом этди:

—Сирдарё қирғоғида областимизнинг 4 та райони жойлашган. Яъни, дарё Гулистон районидан бошланиб, Сирдарё, Пахтаорол, Кировобод районлари чегарасидан оқиб ўтади. Хўш, шу районларнинг қайси участкалари «хавфли зона»ларга киради ва у ерларда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Сирдарё суви январь ва февраль ойларида икки марта қалин муздади. Шу даврда «хавфли зона»лар деб номланган участкалар яна бир бор аниқлаб олинди. Булар Гулистон районининг Крупская номли, «Красная Заря», Фрунзе номли колхозлари, Сирдарё районининг «Сирдарё» шолиқорлик совхози, Пахтаорол районининг «Коммунизм», «Ленин йўли», Абай номли колхозларининг дарё бўйидаги экин майдонлари ва айрим қишлоқлардир. Қишлоқлардан аҳоли аллақачон хавф-хатарсиз жойларга кўчирилди.

«Сирдарё тошадими?» деган саволга область суғориш системалари бошқармасининг бош инженери, тажрибали мутахассис Машраб Турсунов шундай жавоб қилди:

— Сирдарё бош қўйган тоғларда қор сатҳи 3 метрдан ошганлигини биламиз. Табиат беҳисоб. Лекин, шу ташвишга яраша иш борми? Йўқ. Бағдод массивига катта Фарғона каналидан сув берадиган ариқ бултур кўздан бери бузилиб ётибди. Уни бетонлаш керак. Лекин бу иш ҳамоа сансалорликка солинади. Колхозлар ариқни сув хўжалиги ташкилотлари гузатсин деса, бу ташкилотлар эса, ҳозир бошқа ишларимиз бошимиздан ошиб ётибди, деб бунга парво қилмайди. Икки ўртада Бағдод массивида 2 минг гектардан ортиқ ер шўри ювилмай қоляпти. Эртага чигит экишга киришилганда бу ерлар экишга тайёрланмай қолса, жавобни ким бераркин? Ҳозир бундан ғўё бехабардек юрган Бағдод район партия комитетининг раҳбарлари қимни бюрода тикка турғизишаркин, биз шунисига ҳайронмиз.

Кўп мутахассислар Фарғонада йилдан йилга вилт кучайиб, кенг тарқаб кетаётганини, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётганини айтадилар. Шунга қарамай, Фарғона областида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун хўжаликлар ажратаётган маблағларнинг катта қисми фойдаланилмай қолиб кетяпти. Бергина Олтиариқ районида бултур колхозлар мелиорация ишларига ажратган маблағдан 118 минг сўми фойдаланилмай қолди. Фарғона область хўжаликлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни суғориш системалари бошқармаларининг иши, деб қараб, ўзлари катта зарар кўраётирлар. Областда ўз ресурслари ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаётган хўжаликлар жуда оз. Область суғориш системалари бошқармаси эса колхозларнинг буюртмаларини бажаролмаётир. Бу бошқармада ҳозирги кунда 120 та экскаваторчи етишмайди. Қува, Охунбобоев, Олтиариқ, Риштон районларида эса қатор хўжаликлар зовур сувларидан суғоришда фойдаланамиз, деб коллекторларга тўғон солиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини сунъий равишда баттар ёмонлаштириб юборишаётир.

Областда мелиорацияннинг илғор усуллари— ёпиқ ва тик зовурларга кўчиш борасида қилинаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди.

Даладаги қор ҳам кетиб, кўклам нафаси эсмоқда. Фарғонада иш кўп, ҳаддан ташқари кўп. Вақт тиғиз, тайёргарлик бўлса фарғоналик пахта усталари номига ярашмаган даражада суст. Уни тан олиш, белни боғлаб ишга киришиш пайти келди. Фурсат сизни кутиб турмайди.

Машраб Турсунов Чордара сув омбори, Сангзор дарёси ва Зомин сойларига таллуқли тадбир ва мулоҳазаларни ҳам комиссия аъзоларига маълум қилди. Чунончи, Иттифоқдаги йирик сув иншоотларидан бири бўлган Чордара сув омбори ҳам тошқин хавфига «тайёр» турибди. Чордара сув омборининг суви Арнасой пасттекислиги томонидан тўғон кўтариб қўйилгандан бери 2 баробар пастлади. Секундига 700 кубометр сувни қумлар «ютмоқда». Бу Сирдарёнинг сувига баравар демакдир. Жиззах шаҳридан оқадиган Сангзор дарёси «бир қаричгина», лекин кутилмаганда тўлғониб оқади. 1964-1968 йилларда секундига 170-180 кубометр сув оқиб, «Москва» колхозининг дарё бўйидаги Қипчоқ қишлоғига сув тошган эди. Бу йил шу қишлоқдаги 30 хўжалик хавфсиз жойларга кўчирилди. Шаҳардан то Қили қўлигача бир неча километрга тошбетон ётқизилди.

Комиссия аъзолари—область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Давиров, область автомобиль тресті бошқарувчиси О. Азимбеков ўртоқлар ҳам амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ахборот бериш ди. Хуллас, Сирдарёга қудратли жилов ташланди. Ҳар қандай об-ҳавода ҳам дарё инсон шижоати, ақл-заковати олдида таъзим қилиб сокин оқажак.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус муҳбири.

ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Узбекистон ССР областларида баҳорги экиш учун ер ҳайдашнинг борили ҳақида 1969 йил 11 мартга бўлган

МАЛУМОТ

(Минг гектар ҳисобида)

(Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—жами ҳайдалиши керак бўлган ер, учинчи устун —ҳайдалган ер, тўртинчи устун — бажарилиш процанти).

Бухоро	168,9	146,4	86,7
Тошкент	207,7	171,1	82,6
Сирдарё	322,3	260,1	80,7
Қашқадарё	148,8	104,0	70,0
Сурхондарё	153,0	99,1	64,7
Наманган	151,0	89,6	59,5
Самарқанд	234,0	117,2	50,0
Андижон	204,6	92,0	45,0
Фарғона	222,9	34,5	15,5
ҚҚАССР	164,8	25,7	15,5
Хоразм	131,0	—	—
Республика бўйича:	2109,0	1139,7	54,0

Узбекистон ССР областларида шўр ювишнинг борили ҳақида 1969 йил 10 мартга бўлган

МАЛУМОТ

(Минг гектар ҳисобида)

(Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—план бўйича шўри ювилиши керак бўлган майдон; учинчи устун—шўри ювилган майдон, тўртинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон).

Сирдарё	150,0	59,3	—
Наманган	56,0	12,4	0,5
Фарғона	215,0	18,3	2,0
Қашқадарё	3,0	0,2	0,2
ҚҚАССР	400,0	25,9	0,6
Хоразм	462,0	26,1	6,3
Бухоро	220,0	5,7	3,7
Андижон	53,0	1,0	—
Сурхондарё	23,0	—	—
Самарқанд	12,0	—	—
Тошкент	7,0	—	—
Республика бўйича:	1601,0	148,9	13,3

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигида

ЯНА 140 МИНГ ХОНАДОНДА ИЛЬИЧ НУРИ

Кейинги 50 йил мобайнида Ўзбекистонда электр станцияларнинг ишлаб чиқариш қуввати 1200 баравар ортди. Бу эса республикани ёппасига электрлаштириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Шу кеча-кундузда министрликда қишлоқ районларини ялписига электрлаштириш тадбирлари кўрилаётир.

Министрликнинг яқинда бўлган коллегия йиғилишида ўтган йили 103 минг колхозчи ва совхоз ишчисининг хонадони электрлаштирилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу, беш йилликнинг учинчи йилида 17 қишлоқ райони ёппасига электрлаштириб бўлинди деган гап. Ҳозир республикадаги 48 райони бутунлай электрлаштириш тугалланди. Бу йил яна 140 минг қишлоқ хонадонида Ильич нурлари порлайди. Беш йиллик тўртинчи йилида камида 20 та район бутунлай электрлаштирилади.

КАДРЛАР ОЛТИН ФОНДИМИЗ

Министрлик аппарати ходимлари билан энергетика ускуналарини созлаш корхонаси ходимларининг қўшма йиғилишида муҳим масала муҳокама этилди. Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳамидов раҳбар кадрлар билан ишлаш масалалари ҳақида доклад қилди. Докладчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилаётганлигида ўз ишига ихлос қўйган кадрларнинг ҳиссаси катта эканлигини далиллар билан таъкидлади.

Кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш, ёш мутахассислар билан ишлаш соҳасида бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилган бўлса ҳам, деди докладчи, бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар бор. Энергетика системаси ходимларининг ишчанлик ва сиёсий жиҳатдан етуклиги хусусиятларини ўрганиш лозим. Топширилган иш учун ходимларнинг жавобгарлигини ошириш—муваффақиятлар гарови. Раҳбар кадрларни коммунистик ғоялар руҳида, партия ва давлат интизомига қатъий амал қилиш руҳида тарбиялаш борасида зарур тадбирлар амалга оширилиши керак.

Йиғилишда ҳар бир раҳбар ходимнинг ва коммунистнинг вақти-вақти билан ҳисоботи эшитиб туришга қарор қилинди. Раҳбар ходимларнинг, мутахассисларнинг сиёсий савиясини, малакасини ошириш учун зарур ишлар қилиниши кераклиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё областлари электр тармоқлари корхоналарида, Тошкент ва Оҳангарон ГРЭСлари, «Ўзэнергосбит» системасида раҳбар кадрлар билан ишлашни яхшилашга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус текширишлар ўтказилди.

ИТТИФОҚДА ТЎРТИНЧИ

Министрлик биносида янги марказий диспетчерлик пульти қуриб фойдаланишга топширилди. Унда Ўзбекистон ССР энергетика системаси ҳизмат кўрсатадиган барча тармоқлар худди кафтдагидек акс этган. Пульт белгилари қўйилган картасимон яхлит ашпаратда барча электр станциялар, иссиқлик станциялари, подстанциялар, юқори вольтли электр узатиш линияларнинг айни вақтдаги аҳволи акс этиб туради.

Бошқарув пультида ишлаётган смена бошлиғи Саттор Мусаевнинг таъкидлашича, бу марказий диспетчерлик пульти ўз техникавий кўрсаткичлари жиҳатидан Иттифоқда тўртинчи ҳисобланади. Агар бирон тармоқда авария рўй берса махсус лампочкалар ёнади — пультдаги диспетчерга хабар қилади. Бирон станцияда энергия ҳосил қилиш камайса ё кўпайса ҳам пульт приборлари уни шу вақтнинг ўзида ўз белгилари орқали ифодалаб туради.

СПОРТ янгиликлари

ТЎРТ ИМКОНИЯТДАН ТЎРТ ОЧКО

Тошкент «Автомобилчи» спорт жамиятининг волейболчи аёллари СССР биринчилиги мусобақасида қатнашиб, ҳамма ўйинларда ғалаба қилди. Вильнюс шаҳрида ўтказилган иккинчи тур мусобақасида ҳам ғалаба қозондилар. Улар Ленинграднинг «Динамо», Риганинг «Даугава», Вильнюснинг «Электрон» командаларини 3:0 ҳисобида, Таллиннинг «Калев» командасини 3:1 ҳисобида ютиб олдилар. Пойтахтимизнинг волейболчи командалари 12—26 март кунлари Ворошеж шаҳрида бўладиган учинчи тур мусобақада тўрт ўйин ўтказадилар.

ГИЛАМ УСТИДА

«Старт» стадионида Узбекистон биринчилиги учун классик кураш бўйича ўтказилган мусобақада республиканинг шаҳар ва областларидан 130 киши қатнашди. Мусобақада ўз оғирлик вазни бўйича навоийлик Ш. Азеев ғалаба қилди. Қолган олишувларда Узбекистон чемпиони унвонини ўндан ортиқ тошкентлик паҳлавонлар олишга муваффақ бўлдилар.

РЕСПУБЛИКА РЕКОРДЛАРИ

Оғир атлетика бўйича ўтказилган Узбекистон биринчилигида тошкентлик Н. Гузев, («Меҳнат») иккита республика рекордини қўлга киритди ва 1969 йил чемпиони бўлиб қолди. Фарғоналик спортчи К. Манушев ҳам ғалаба қозонди. Шунингдек, тошкентлик Г. Малер, Г. Авеписов, чирчиқлик Ладошалар СССР спорт мастери нормативини бажардилар.

Узбекистонлик штангачилар ҳозир Калининград, Челябинск, Гомель ва Донецкда ўтказилаётган Бутуниттифоқ биринчилиги мусобақаларида қатнашмоқдалар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҲИНДИСТОН ДИЁРИДА ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

ДЕҲЛИ, 10 март. (ТАСС). «Санди трибюн» (Амбала) газетаси хабар беради: Панжоб штатининг бош министри Гурнам Сингх маданий алоқаларни ривожлантириш Ҳиндистон—Совет жамияти Панжоб бўлимининг ҳар йилги конференцияси очилишида сўзга чиқиб, Ҳиндистон—Совет дўстлигининг катта аҳамиятини таъкидлади ва 1965 йил Ҳиндистон — Покистон можаросини тўхтатишдаги бегараз ёрдами учун Совет Иттифоқига ташаккур изҳор қилди.

Бош министр СССРнинг ҳаётнинг турли соҳаларида эришган муваффақиятларига юксак баҳо бериб, кўп миллатли Совет давлатида тил проблемасини ҳал қилиш йўли «жаҳондаги бошқа мамлакатлар учун порлоқ намунадир», деди.

Конференцияда иштирок қилган Ўзбекистон ССР делегациясининг бошлиғи, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. Асомов жавоб нутқида Совет Ўзбекистони вакилларини қиёдиёна қабул қилиб олганликлари учун Панжоб аҳолисига самимий ташаккур айтди. У панжобликларни ишонтириб дедики, ўзбек халқи уларга ҳурмат-эҳтиром билан қарайди ҳамда Ўзбекистон ва Панжоб ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга интилади.

ОЛИЙ ҚЎМОНДОНЛИК АХБОРОТИ

ҚОҲИРА, 10 март. (ТАСС). Қоҳира газеталарининг ёзишича, Сувайш каналининг ҳозирги вақтида душманга катта талафот етказилган. Душманнинг камида 100 солдати ўлдирилган ва ярадор қилинган, Исроил артиллериясига ўт очиш нуқталарини кўрсатиб турган иккита самолёт ва вертолёт уриб туширилган, 31 тачка мажақланган, 11 та кузатчи пункти ва 23 та артиллерия позицияси ер билан яксон қилинган, 5 та артиллерия батареяси ва 13 та юк автомашинаси, шу жумладан ўқ-дори ортилган 6 та автомашина йўқ қилиб ташланган. Ахборотда яна айтилишича, душманнинг 26 та тўп ва миномёт позицияси тўпа даф қилинган.

Миср томонидан 3 киши ўлдирилган ва 13 киши ярадор бўлган. Команда пунктининг ертўласига Исроил томонидан отилган снарядининг тўғри келиб тушиши натижасида Миср армияси бош штабининг бошлиғи генерал-лейтенант Абдил Монайм Риёд ўлдирилган.

Исроил артиллерияси, дейилади ахборотда, 6 та бинони, шунингдек мачит ва мактабни вайрон қилди. Ёнилғиси бор бир қанча резервуарларни ёндириб юборди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲУЖУМИ

ХАНОЙ, 10 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Озодлик халқ қуролли кучларининг Тайнинь вилоятида ҳаракат қилаётган жангчилари 7 март. га ўтар кечаси Лонинь базаси районида Америка қуролли кучларининг позициясига ҳужум қилдилар. Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг жанговар операцияси муваффақиятли ўтказилганлиги натижасида Америка қўшинларининг иккита пиёда ва иккита тўпчи ротаси сафдан чиқди, деб хабар беради ВИА агентлиги. Озодлик матбуот агентлигининг маълумотларига асосланиб.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА



БОЛГАРИЯ. Карлово заводининг тракторлари Болгариядагина эмас, чет элларда ҳам довруг таратди. Бу тракторлар энинзорларда, узум плантацияларида, меваворлар ва ўрмон хўжаликларида кенг қўлланилиятпи. Юқоридаги суратда: ўрмон ишларига мўлжалланган «Болгар—ТЛ-45» тракторлари.

БТА—ТАСС фотоси.

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Республика ҳукумати электр саноати ходимлари олдига муҳим—1970 йилда қишлоқ районларини электрлаштиришни тугаллаш вазифасини қўйди. Бу қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш соҳасидаги ютуқларни янада мустаҳкамлаш имконини беради. Суратда: монтажчилар янги электр станциясида якуновчи ишларни олиб бормоқдалар.

ЦТАК—ТАСС фотоси.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

ҒАЗАБ АЛАНГАСИ

Мадриддаги Пардо саройи... Шаҳар шовқин-суронларидан чеккароқда, кишиларнинг назаридан панарок бўлган қалин дарахтзор орқасида диктатор Франконинг манзилгоҳи — қўрқинчли қасри ўрнашган. Унинг чор атрофини чиниққан ашаддий нацистлар ва шахсий соқчилар қўриқлаб туради.

Бир неча йиллардан буён ҳафтанинг ҳар жума кунида бу мудҳиш бинода Испания министрларининг кенгаши тўпланади. Ҳукумат ҳам бу йил ўзининг ҳокимият тепасига келганлигининг 30 йиллигини нишонлайдиган ана шу диктаторнинг раъйига тўғри келадиган қарорни тасдиқлайди.

Яқинда, навбатдаги жумаларнинг бирида министрлар яна ўз кенгашларига йиғилдилар. Шубҳасиз, бу йиғилиш ҳам ҳар галдагидек Испания мутлоқ ҳокимининг қаҳру ғазаби остида ўтди. Бу кенгашдаги янгилик шу бўлдики, Испанияда кўпдан бери қўлланилмай қўйган тадбир, яъни мамлакатнинг барча территориясида фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кўҳна саройда шу куни бўлиб ўтган кенгашнинг қарори қаттиқ сир тутилган бўлса ҳам, лекин унда Франко таъбига сира ёқмайдиган «иш ташлашлар» ва «ишчи комиссиялари» деган сўзлар тез-тез такрорланиб турди.

Тўғри, кенгашдан сўнг ахборот министри Фрага Ирибарне Испанияда «либераллашиш» сиёсати ўтказиш тўғрисидаги эртакни узилкесил гўрга тиқувчи тадбир белгиланганлигини хабар қилади, бунга гўё мамлакатдаги студентлар ҳаракати сабаб бўлган эмиш. Ёшлар сўнгги ойларда чиндан ҳам бу қонли диктаторнинг Пардодан кетишини талаб қилиб, Франко режимини ғоятда аламзода қилиб қўйди, студентлар билан полиция ўртасида бир неча бор қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди.

Бироқ Мадридда эълон қилинган фавқулодда ҳолат тадбирининг асосий сабаби мутлақо бошқа нарса. Бу фавқулодда ҳолат, деб хабар қилади, кузатувчи ахборотчилар, «ишчи комиссия»ларининг таъсири тобора ортиб бораётганлиги билан боғлиқдир. «Ишчи комиссия»лари мамлакатда расмий франкочи касаба союзларга қарама-қарши ўлароқ испан пролетариати ичида вужудга келган синфий ташкилотлардир.

1962 йилда Астурия кончилари томонидан бошлаб берилган кучли забастовка бутун Испанияни ларзага солди. Ушандан буён тақиқланиб қўйилганига қарамай, мамлакатда стачка ҳаракатлари бирор кун ҳам тўхтагани йўқ. Бу стачкалар гўё шахмат усулида: бир гал у зонада, бир гал бу зонада; бир гал бу корхонада, бир гал у корхонада ўтиб, ҳукуматни меҳнаткашларга қарши курашини қийинлаштирмоқда, унга қарши қаратилган кучини бир томонга ташлашдан маҳрум қилиб қўймоқда.

Ягона марказдан туриб раҳбарлик қилаётган ана шу «ишчи комиссия»лари стачка ҳаракатини шундай тарзда уюштирмоқда. Турли сиёсий қарашдаги партияларга мансуб меҳнаткашларни бирлаштирган бу ташкилотлар Испанияда борган сари катта сиёсий кучга айланиб бормоқда. Бошқа демократик оқимлар ҳам ўз ҳаракатларини амалга оширишда улар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Франко фавқулодда ҳолатнинг асосий тиғини биринчи галда «ишчи комиссия»ларга қаратмоқда.

Ҳозирги кунда Пиренеяда қамоққа олишлар авжга минди. Полиция ва армия жанговар ҳолатга келтирилган. Лекин, фашист режимига қарши кураш олови сўнмаяпти. Аксинча, кейинги маълумотларга қараганда, мамлакатда кескинлик тобора ортиб бормоқда. Ва полиция террори ва на турмалар испан меҳнаткашларининг иродасини бука олмайди. Улар кўрсатаётган мардлик ва матонат жаҳоннинг ҳамма ерида қўллаб-қувватланмоқда, бирдамлик билдирилмоқда. Бутун соф виждонли кишилар испан халқи, унинг қаҳрамон ишчилар синфи, деҳқонлар, студентлар; халқ томонида турган зиёлиларнинг вакиллари, дин арбоблари бир ёқадан бош чиқариб Франко сиёсати даҳдаҳасини ва таҳликасини бартараф қила олишларига ишонадилар. Улар ўта реакцион элементларга муносиб зарба бериш учун демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашларини давом эттириш учун зарур бўлган куч-қудратни тўплай оладилар.

Хуан КОБО.
(АПН).

БАХТЛИЛИК МУҲИМ НАРСА

Американинг ажойиб ёзувчиси О. Генри ҳикояларидан бирининг қаҳрамони ишсиз бўлиб, жон-дили билан турмага қамалишга розе ва шунга ҳаракат қилади, чунки қиш яқинлашиб қолган, борадиган жойи йўқ, бунинг устига мамлакатда иқтисодий кризис бошланиб бормоқда эди. Кўнингчи, кўча-кўйда ўлиб кетишдан кўра турма унинг учун афзалроқ кўринди. Ҳар ҳолда турма бошпаналикка ярайди, бунинг устига у ерда овқат ҳам берилади. Ҳикоя қаҳрамони ўз ниятини амалга ошириш учун интилиб аввало магазин витринаси ойнасини синдирди, ресторанга кириб овқатланиб пул тўламади, ўткинчиларга бекордан-бекорга тегажўғлик қилди. Шу йўл билан «қоиданинг бузганликда» айбланиб қамалмоқчи бўлди. Аммо, полициячилар уни қамашни хоҳлашмади. Бечора бу йўлда не-не ишларни қилмади дейсиз. Унинг барча ҳаракатлари беҳуда кетди. Орзуси амалга ошмагач, ниҳоят у ўз қаридан қайтди. Худди ана шу пайтда уни тўсатдан қамоққа олишди. Омад келмаса ана шундай ажойиб-ғаройиб ташвишлар бошга тушаверар экан.

Италиялик ишсиз Марино Альбержини ҳам худди шундай аҳволга тушди. О. Генри қаҳрамони бошига тушгани сингари унинг бошига ҳам ана шундай кулфатлар ёғилди. Бошпанасиз, кимсасиз бўлганлиги учун турмага тушиб қолган Альбержини қамоқдан бўшагандан сўнг тўрт йилгача ўз турмушини тўғрилаб олишга, локал оила қуриб олишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин унинг интилишлари фойдасиз бўлиб чиқди. У қанчалик жонини жабборга бермасин, барибир бирорта ишга ўрнаша олмади. У соғлиғини йўқота бошлади. Охирида у турмада ётганида озодликка чиқиш учун ошиққанлигининг қанчалик бефойда эканлигини англади, турмадаги иссиқ камераси, турма касалхонасида кўрсатиладиган бепул медицина ёрдамини орзу қиладиган бўлиб қолди. Ҳуллас у яна турмага қамалишга қарор қилди. Марино бунинг учун магазин ойнасини синдириб ўтирмади, ўткинчиларга тегажўғлик ҳам қилмади. Ҳатто у қаттиқ кайф қилиб тартибни бузмади. Чунки, унинг чўнтагида энг арзон итальян виносига ҳам етарли бирор тийин сариқ чақаси йўқ эди. У тўппа-тўғри Болонья шаҳри полициясига келиб ўтган галдагидек бу гал ҳам адрес ўзгартирганлигини маълум қилмаганлигини ва қоидани бузганлигини билдирди. Полиция комиссари шунчалик сахий ва бамайлихотир бўлиб чиқдики, мутлақо уй-жойи бўлмаган Марино қандай қилиб адрес ўзгартира олиши мумкин эканлигини хаёлига ҳам келтирмади. Бир неча соат ўтар-ўтмас Марино ўзининг эски увада кийимларини турманинг тоза пишиқ кийимлари билан алмаштирди...

Кўрдингизми, бахтли одам қандай бўлар экан-у, бахтга қандай қилиб эришилар экан! Айниксе гўллаб-яшнаётган Италиядек, компанияларнинг даромадлари ҳамиртуришдек ошиб-тошаётган, истаса ҳар бир одам «халқ капиталистия» бўлиб олиши мумкин ҳисобланган бир мамлакатда одамнинг бахтли бўлиши мушкул бир нарса эканлиги кишини ҳайратда қолдирар экан.

Д. БИРЮКОВ.
(АПН).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҒАЛАТИ ҚОНУН

МАЪЛУМКИ, Швейцарияда қурбақани пишириб ейишади. Лекин яқинда мамлакатдаги ариқ ва кўлларда учрайдиган «маҳаллий» қурбақаларни овқатга солиб емаслик тўғрисида қарор чиқаришди. Чунки у чет элларга жўнатилади. Чет мамлакатлардан келтирилган қурбақаларни эса бемалол еявериш мумкин. Бу қонуннинг «ажнабий» қурбақаларга даҳли йўқ.

Ажаб, қонун чиқарган кишилар қурбақаларнинг «миллати»ни қандай билишаркин?

ТЕЛЕВИЗОРНИНГ... ЗАРАРИ

ИНГЛИЗ фермери Билл Зенюк итидан жуда мамнун эди. Чунки, Ласси лақабли ит унга сурувни ҳайдаб боқишда доим кўмаклашарди. Билл телевизор сотиб олди-ю, балога қолди. Телевизорнинг «экрани»да тасвирлар пайдо бўлиши билан ит ўз «вазифаси»ни унутиб, телевизор олдига бориб ўтирарди. Айниқса у ҳайвонлар ва овқатлар таниёрлаш тўғрисидаги фильмларни яхши кўради. Шунақа фильмлар кўрсатилаётганда уни телевизор олдидан ҳеч ҳайдаб бўлмаганди. Шундай қилиб Билл телевизорнинг «азоби»ни тортмоқда.

ТЎРТ КЎЗЛИ БАЛИҚ

ЗООЛОГЛАР денгизлардаги жониворларни синчиклаб ўрганмоқдалар. Бундан бир неча йил аввал инглиз профессори Жон Смит денгиздан афсонавий целаканта балиғини ушлаб олди. Ҳолбуки бу балиқнинг уруғи бундан 70 миллион йил аввал қуриб кетган, деб тахмин қилиб келар эдилар.

Орегон қирғоқларидан эса шу пайтгача табиатда сира ҳам учрамаган тўрт кўзли балиқ тутилди. Олимлар унга «Батиланхопс» деб ном бердилар. Бу «фонус кўз» деган маънони билдиради. Бу балиқ бир вақтнинг ўзида юқоридаги ва пастдаги, орқасидаги ва олдидаги ҳамма нарсаларни кўриб туради.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Узбекистоннинг шимолий районларида ҳаванинг булутли келиши ва қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилади. Жануби-ғарбдан секундига 5-10 метр тезлиқда шамол эсиб, 5-10 даража иссиқ бўлади. Қолган жойларда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Жанубишаридан секундига 5-10 метр тезлиқда шамол эсади. Ҳарорат 15-20, жанубда 25 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 9-11, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР

Агар Сиз электропроигрователли радиоприёмникли бўлишни хоҳласангиз: «ВЭФ-РАПСОДИЯ» ёки «ИОЛАНТА» каби юқори сифатли ҳисобланадиган радиолаларни сотиб олинг.

Магнитофон ва радиола харид қилмоқчи бўлсангиз унда — универсаль радиокомбайн, биринчи классли радиоприёмник, магнитофон ва электропроигрователли «РОМАНТИКА-М», магниторадиолани сотиб олинг.

Сизга магнитофон ва радиоприёмник керак бўлса, «ФИАЛКА-2» магнитолани сотиб олиб икки ҳисса баҳраманд бўлишингиз мумкин, ёки тезда «ЛИРА» телерадиоласини сотиб олинг, ундан телевизор, радиоприёмник ва радиоладек фойдаланишингиз мумкин.

Бу билан сиз хонангиз майдонини, маблағингизни тежай оласиз.

«КАНТАТА», «ЭФИР-67» РАДИОЛАЛАРИ, «АВРОРА», «ВОЛХОВ», «ЛОТОС» телевизорлари ва «ИВОЛГА-66» транзистор радиоприёмникининг корпуси чиройли ва замонавий формага эгадир, улар Сизнинг мебелларингизга қўшимча бўлади ва хонангизни безайди.

УЛАРНИ СИЗ РЕСПУБЛИКА УНИВЕРМАГЛАРИ ВА МАДАНИЙ МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«УЗКУЛЬТТОРГ».

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Эстрада концерти, 9.30 — Дуторчи С. Йўлдошев чалади, 9.50—«Маҳаллий советларга сайловлар» (тожикча), 10.10 — Грузин куйларидан концерт, 11.15— «Сайловдан сайловгача», 11.30 — М. Юсупов. «Хоразм қўшиғи» (операдан парчалар), 13.30 — Концерт (русча), 15.15 — Самарқанд область театри артистларининг концерти, 16.10—Француз композитори Жорж Бизе, 16.50— «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Сиёсий ташвиқотчиларнинг ишлари» (русча), 18.10 — Куйлар, 18.40 — Спорт (русча), 19.20 — Қозоқ куйлари, 20.00 — «Узбекистон ишчиси» радиожурнали, 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун), 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун), 22.20 — Шўх концерт, 22.40 — Шеърият кечаси, 23.15— Лутфий лирикаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси, 18.00 — Телеянгиликлар (рус тилида).

Узбек тилида: 18.10 — «Қизил галстук» тележурнали, 18.45 — Ленин кутубхонаси 19.05—«Рақс ўрганинг», 19.45 — Телеянгиликлар, 20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультфильм, 18.20 — «Сиҳат-саломатлик» программаси, 19.00 — Пахтакорларнинг баҳорги ишлари, 19.20 — Музикали саёҳат.

Узбек тилида: 20.00 — Боғ-роғлар кўпайсин, 20.20 — Бадиий ҳаваскорлар концерти, 21.00 — «Рассом ва публицист». В. И. Евенко. 21.20 — «Баландлик» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00 — «Очилган қўриқ» (бадиий фильмнинг 2-серияси), 21.35 — «Романовлар династиясининг қулаши» (ҳужжатли фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/III да Парвона, 13/III да Улимдан кучли, 14/III да Аяжонларим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 12/III да Махтумқули, 13/III да Кимга тўй, кимга аза, 14/III да Ёшлинда берган кўнгил.

КИНО

Кашмирдаги севги (1, 2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «УЗБЕКИСТОН» НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Виринея — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

УЗБЕКИСТОН ТУБЕРКУЛЕЗ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

фтизиотерапия, фтизиохирургия бўйича аспирантурага: фтизиотерапия (2 ўрин), фтизиохирургия ва фтизиопедиатрия бўйича клиника ординатурага.

Конкурс муддати эълон чиққандан сўнг икки ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-86, Мажлисий кўчаси, 1-уй, телефон № 7-7-22-45.

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

12 МАРТДА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожикистон Давлат филармония артистларининг

КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар:

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар

ЖУРАБЕК МУРОДОВ, МУСЛИМАХОН БОҚИЕВА, ГАВҲАР МИРЖУМАЕВА.

Солистлар:

ТАМАРА МИРОВА, ҲАЛИМ ЕРОВ, ЛАТОФАТ НАБИЕВА, ҚУРБОН СОДИҚОВ, АМАЛБЕГИМ АБДАЛБЕКОВА, САИД РАҲМОНОВ.

Программани Тожикистон халқ артисти — МИРБОБО ЗИЕЕВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

«Ташлимводторг» коллективи директор К. Жалоловга рафиқаси

Клавдия Ильинична ЖАЛОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Рассомлар союзи ва бадиий фонди правленеси правлениенинг раиси Узбекистон ССР халқ рассоми Р. Аҳмедовга отаси

Аҳмаджон ИМОМЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — В36543. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036. В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Илюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 48—65. Бухоро 31 - 41. Қарши 23—82. Наманган 21—88. Нукус 42—72. Самарқанд 31—972. Термез 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34 - 55

№ Б. — 60. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01217.